

TEAM ATSÁDÓÚJÚJ



www.teamatsadoduju.hu

Üzleti szolgáltatások, környezetbarát termékek,

szolgáltatók és szolgáltatások

LÉLEGZŐ KÖRNYEZET

szolgáltatók

szolgáltatók és szolgáltatások

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш  
ШАРТНОМАСИ**

2022 йил “06” оғ 11/132 -сон Журшиз ш.  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Сурхондор ўсмонат  
төлоғодиҳо қомилоти  
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари Мажнубов  
бахриевин Ҳуриялови Ғ бир  
томондан ҳамда Низом ва 2022 йил “05 01” да берилган  
03-15-05/38 -сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи  
“ЧУДОГАЗ СУРХОНДОР” ГТФ (газ таъминоти ташкилоти номи)  
(кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади), раҳбари  
И.А. Монсуроб иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур  
шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари оркали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдикланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол килиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 7950 куб.м, нархи 660 минг сўмни ташкил киласди, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак 7950 минг куб.м, январь 2650, февраль 2650, март 2650.  
II чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.  
III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.  
IV чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

6247000 (беш шамлон иккӣ ўз ширин ети шамни) сум

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармокларининг ишлаши издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга

20\_\_йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласди:

I чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, январь \_\_\_\_\_, февраль \_\_\_\_\_, март \_\_\_\_\_.

II чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, апрель \_\_\_\_\_, май \_\_\_\_\_, июнь \_\_\_\_\_.

III чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, июль \_\_\_\_\_, август \_\_\_\_\_, сентябрь \_\_\_\_\_.

IV чорак \_\_\_\_\_ минг куб.м, октябрь \_\_\_\_\_, ноябрь \_\_\_\_\_, декабрь \_\_\_\_\_.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда таксимиланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимилашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта қўриб чикиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофик тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул килиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар оркали Истеъмолчини хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

104. 224-23-60

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

Чершіз шоҳор Жўзумтоқ кўчаси 31 чоҳ

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу хакида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингandan кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришини чеклаш ёки тўхтатиб кўйиш хукукига эга, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмасишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истельмолчи захира ёкилғи туридан фойдаланишни күзда тутиши ва уни етарли микдорда (З ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истельмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёкилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истельмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истельмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истельмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истельмолчи ёки Етказиб берувчининг тұлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар судлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор килиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, кайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истельмол килиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истельмолчилар учун мажбурий хисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоклари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истельмолчи балансида бўлган газ тармогининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истельмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нұктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м3 газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукукий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истельмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истельмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истельмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов

комплекси газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги коидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Хисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркиби кисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир кисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва коидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усусларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишилашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинганд газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги ҳатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вактга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вактга;

з) газни тарқатиш тармокларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача бўлган вактда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аникланганда-ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ дайво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол килинган табий газ хажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида кайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли хажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортича бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирилсанда истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ хажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказиши талаб қилиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганилик учун тўловлар Иsteъmolчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аникланган тақдирда Иsteъmolчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу хакда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминдаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аникланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(О'з DSt 8.586 га кўра газни аниклаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тұловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилікка мувоғик белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида күрсатылған ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тұлады.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладынан даврни күрсатыб етказиб берилған табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида ҳисоб-китоб килиш тұгрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат килишга хаклидір. Бундай ҳолаттарда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга түзилған шартномада күрсатылған ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тұлашлари шарт. Амалда истеъмол килинған табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охирігача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тұловсиз етказиб берилмайды.

4.5. Олдиндан тұлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайды (стратегик корхоналар ва ижтимоий ахамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалғы ойда истеъмол килинған газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий ахамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинған газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадылар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада күрсатылғаннандағы ҳажмдан кам фойдаланылған тақдирда, аванс тарзыда тұланған маблаглар кайтарылмайды, күрсатыб үтилған маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобға олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун түзилған шартномада белгиланғаннандағы күп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинған тақдирда, Истеъмолчидан шартномадагы ҳажмлардан ортиқча олинған табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилған тұлов ундирилади.

Бунда, белгиланған тартибида ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат күрсатыш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун еңб өлиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бұлмаган түрли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмок, киска туташув ва х.к)даги техник носозлыклар аникланғанлығы сабабли истеъмол килинған табиий газ ҳажмини үрнатылған газ асбоб ускуналарини тұлық күvvати бүйіча ҳисоб-китоб килиніши натижасыда шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қылған ҳолаттар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истельмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари Истельмолчини хабардор килган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истельмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

4.12. Хисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истельмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истельмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мейълар бўйича хисоб-китоб киласидан истельмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истельмолчилар томонидан табиий газ истельмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш оркали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномасига асосан истельмолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истельмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисбот даврида газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномаси Истельмолчидаги қуидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисбот даври узун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истельмолчига тақдим этиладиган, Истельмолчининг бўлинниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўгрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истельмолчи баланснинг бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истельмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истельмолчи ойнинг 7 кунидан кечиқтирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини кабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани кабул килади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-кабул килиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътироzlар билан имзолаш Истельмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки кабул килинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўрида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласиди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истельмолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан кайта уланганда, истельмол қилинган газ ҳажми ва унинг киймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидә түлил кувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу хақидаги ахборотни ўн беш күн олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида колади, истеъмол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпичилади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОКОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандидаги кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдач озод қилмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТARTIBI**

6.1. Истеъмолчидаги куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишига йўл кўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинилк килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат килиш;
- Газдан фойдаланиш коидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа коидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аникланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий заар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликини ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланишда амалдаги конунчилликка мувофик Истемолчидан базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига карашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниглаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериши кискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор килиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларининг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгуннига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганлиги, газ тармоклари моддий бойикларининг талон-тарож килинганлиги тўғрисида хукукни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;
- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофик истемолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:
  - табиий газ сизиб чикишида — дарҳол;
  - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
  - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
  - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;
  - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;
- Етказиб берувчи конунчилликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 7.2. Етказиб берувчи күйидаги ҳукукларга эга:

- техник заруратга құра, Истеъмолчини белгиланған тартибда хабардор килған ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тұхтатиши;
- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланғанда уларни белгиланған тартибда газ тармогидан узиб қойиши;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномасы талабларига риоя этишини талаб килиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан кунун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиши;
- газ тармокларыда авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бұлмайдиган чораларни күршиш зарурати юзага келгана, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килған ҳолда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилған ҳолатларда, аникланған қоидабузарлайлар бартараф этилгүнуга кадар аввалдан огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни тұхтатиши.
- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиши.

### 7.3. Истеъмолчи күйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг құрсаткичларини тақдим этиши;
- газдан оқилона ва тежамкорлық билан фойдаланиши;
- газ ҳұжалиги газ күвурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармокларыда ёки газдан фойдаланиш ускунасида вұжудға келған табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиши;
- үзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эхтимоли бұлған рухсатсиз уланишларни аниқлаш мәксадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равища күздан кечириб чиқиши;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойнхасига (ЛТХ) мувофиқ бұлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ егқазиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазинспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома құрсатилған тақдирда) табиий газни истеъмол килишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталған вактида эркин күздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозлиklärни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлған ихтисослаштирилған бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;
- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари қўрсаткичларини ўзгартириш мәксадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилған тамгаларниң бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

**7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб килиш ҳукукига эга:**

- етказиб берилган табиий газнинг аникланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишланинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя килган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор килинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб килиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасон);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошка ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

## **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойданни белгиланган тартибда коплайди.**

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун куйидаги холларда жавобгар ҳисобланмайди:

- a) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

- в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган холларда.

**8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн барабаридан ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.**

**8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида”ги**

Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киш даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдикланган газ етказиб бериш тармогидан узib қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);
- г) шартнома асосида Истемолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмагандан, Истемолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истемолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пения тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган такдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пения тўлайди.

## **IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги қонун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истемолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва коидаларига катъий риоя килади.

## Х. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат килишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришига йўл кўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чикариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келгандан, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чикиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида хамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кисқартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳукуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўгрисидаги қарор қабул қиласидар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва кўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон карорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар хар йили “2022” йил 31 декабр санасига” амал килишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

### XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табии газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони кабул килиниши муносабати билан Табии газни ултргуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бирι учун икки нусхада тузиљган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

### XIV. ТОМОНЛАРИНИГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<b>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</b> <b>«Худудгиз Сурхондарё»</b> <b>газ таъминоти филиали</b>	<b>“ИСТЕЪМОЛЧИ”</b>
<p>Манзил: Тел./факс: Термиз шахар х/р: Камолат 10-йи 76 221-25-10</p> <p>Банк номи: «ЎзСКБ» ракат филиали МФО: 00435</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>ОКЭД: 35220</p> <p>х/р <u>2263400030513</u> <u>960382</u></p> <p>Рахбар: <u>и.в. мағнубов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: <u>з.х.м.с.</u></p> <p>Бўлим бошлинига: </p> <p>Бўлим бошлинига: </p> <p>Юридик маслахатчи худодаси: <u>Мурдурин</u></p>	<p><u>Сурхондарё вилояти</u> <u>Министри таъминоти</u> (бюджет ташкилотлари, хужалик юритувчи субъектлар номи) Почта макони: _____</p> <p>ОКПО коди <b>Сурхондарё вилояти</b> ОКЭД <b>телефонкомпанияси</b> Мулодот: <b>Термиз ш., Ҳамза 31, тел:223-45-25.</b> Фз/х <b>ШХ:100010860224017084200137001</b> Банк номи: <b>ИНН:200470318, ОКОНХ:93130.</b> Узбекистон Республикаси Молия ва зиёдатли газорчлиги Фазна х/в:<b>23-402000300100001010</b> Банк номи: <b>Хисоб-китоб касса мэркази</b> х/р <b>шахар: Ташкент шахри</b> <b>надорида: 0004-0014, санум: 201122919</b></p> <p>Рахбар: <u>ж.жониров</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: <u>М.б.</u></p> <p>Мурдурин:</p>



2022 йил «06.01 даги  
11/132-сон шартномага  
ИЛОВА

Фойдаланишга кабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

**РҮЙХАТИ**

Фаолият тури: Сурхондордук тарбият газининг Кашим порфиди  
Газ магистраленинг тарбияти

Кадастр №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табий газ тарифи 660 сум 00 тийин

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойиҳавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни хисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сонаи		
	Сурхондордук	КВ-100	2	20,8	Призма
	Чизоэз				Б-25
	ГРК	УГДК-72	2	4,40	Г-6
		ПГ-Ч	1	1,12	
<i>1роқса 1роқса -Чоҳо 1роқса бутун оғзига</i>					

**Келишилган:**

Етказиб берувчи  
Рахбар М.Н. Мисулуков  
(Ф.И.Ш.)

Истеммолчи  
Рахбар б.жонхоблов  
(Ф.И.Ш.)

Имзоси \_\_\_\_\_

Имзоси \_\_\_\_\_

Ижрочи:  
Ижрочи:  
(имзо) оғ.Хуснодин Сизуев  
(Ф.И.Ш.)

